

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАЙЛАКОВ ТОЛИП ИСАКУЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЭЧКИЛАРНИНГ
ГЕЛЬМИНТЛАРИ ВА ГЕЛЬМИНТОЗЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2023

**Ветеринария фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc) on veterinar sciences

Тайлаков Толип Исакулович

Ўзбекистон шароитида эчкиларнинг гельминтлари ва гельминтозлари.....3

Тайлаков Толип Исакулович

Гельминты и гельминтозы коз в условиях Узбекистана.....27

Taylakov Tolip Isakulovich

Helminths and helminthoses of goats in the conditions of Uzbekistan.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАЙЛАКОВ ТОЛИП ИСАКУЛОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЭЧКИЛАРНИНГ
ГЕЛЬМИНТЛАРИ ВА ГЕЛЬМИНТОЗЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2023

Фан доктори (Dsc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/V11 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.ssuv.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Салимов Бури Салимович

ветеринария фанлари доктори, профессор

Юнусов Худайназар Бекназарович

биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Орипов Анвар Орипович

ветеринария фанлари доктори, профессор

Расулов Уткир Илашович

ветеринария фанлари доктори

Иззатуллаев Зувайд

биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги Л.М.Исаев номидаги микробиология, вирусология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «18» 02 соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86; e-mail: ssuv@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14304 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2023 йил «02» 02 кuni тарқатилди.
(2023 йил «02» 02 даги №01-рақамли реестр баённомаси).



А.С.Даминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, вет.ф.д., профессор

Ш.Х.Қурбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.н., доцент

Қ.Н.Норбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланган чорвачилик соҳасини, хусусан эчкичиликни жадал ривожлантиришда, шунингдек, улардан олинадиган жун (тивит) ва сут маҳсулдорлигини оширишдаги асосий муаммолардан бири ҳисобланган турли хилдаги юқумли, юқумсиз ва паразитар касалликларга қарши курашиш ҳозирги кун ветеринария илм фани ва амалиёти олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. «Тадқиқотларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида парваришланаётган эчкиларда 48 тур гельминт учраши аниқланган»¹ бўлсада, бу борада барча тадқиқотларнинг қўйларда олиб борилганлиги сабабли эришилган натижалар эчкилар учун ҳам бир хил деб ҳисобланиб келинган ва республиканинг тоғолди-тоғ ҳамда суғориладиган ҳудудларни ўз ичига олувчи ўзига хос биоценозлари кесимида эчкиларнинг асосий гельминтозларининг динамикаси тўлиқ ўрганилмаган, уларга қарши самарали даволаш ва олдини олиш чора тадбирлари ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун ҳам республикамизнинг турли биоценозларида эчкилар гельминтозлари кўзғатувчилари гельминтофаунасини тадқиқ этиш, улар чақирадиган гельминтозлар эпизоотологиясини аниқлаш ва уларга қарши самарали даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида ҳам эчкичилик хўжалиklarини оқилона ташкил этиш, эчкилар сони ҳамда ундан олинадиган жун (тивит) ва сут маҳсулдорлигини оширишда улар организмга салбий таъсир этувчи ташқи муҳит омиллари, шу жумладан, гельминтлар томонидан чақириладиган касалликларнинг эпизоотологияси, гельминтозлар кўзғатувчиларининг тур таркиби, эчки паразитларининг оралиқ хўжайинларининг популяциялари, паразитларнинг хўжайин организмга кўрсатадиган таъсир хусусиятларини эътиборга олишга қаратилган паразитологик назоратга катта эътибор берилмоқда. Маълумки, трематода, цестода ва нематода паразитлари барча қишлоқ хўжалик ҳайвонлари сингари эчкилар учун ҳам ўта патоген паразитлар ҳисобланади. Шу боисдан, эчки гельминтозларининг патогенези ва ташхис усулларини ўрганиш, уларга қарши даволаш ҳамда олдини олиш чора тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда, «...чорвачиликнинг бошқа тармоқлари билан бир қаторда эчкичилик тармоғини ҳам ривожлантириш, улардан олинадиган жун (тивит) ва сут маҳсулдорлигини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш»га², алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чорвачиликда нисбатан янги тармоқ ҳисобланган эчкичиликни ривожлантиришда уларда учрайдиган ва шу билан биргаликда, жуда кўп сонни ташкил этувчи паразитар касалликлар катта

¹ М.А.Султанов, Д.А.Азимов, В.И.Гехтин, П.А.Муминов «Гельминты домашних млекопитающих» Узбекистана. Ташкент, «Фан», 1975. -С.66-73

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармони.

тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда эчкиларда учрайдиган паразитар касалликлар эпизоотологияси ва улар кўзғатувчиларининг тур таркиби ўрганилмаган, диагностикаси ва уларга қарши тизимли қарши кураш тадбирлари ишлаб чиқилмаган. Шу боисдан, эчкиларда паразитлик қилувчи гельминтлар ва улар чақирадиган гельминтозлар эпизоотологиясини республиканинг турли биоэкологик ҳудудлари кесимида аниқлаш ва уларга қарши самарали даволаш ҳамда олдини олиш чора тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сонли «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Эчкилар гельминтоз касалликларининг турли биогеоценозларда тарқалиши, уларга тезкор ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Ганновер университетининг ветеринария медицинаси факультети (Department of veterinary medicine of Hannover university, Германия), Ветеринария ва фармацевтика фанлари университети (University of veterinary and Pharmaceutical Sciences, Чехия), Медицина микробиологияси лабораторияси (Laboratory for Medical Microbiology, Голландия), К.И.Скрябин номидаги Москва давлат ветеринария медицинаси ва биотехнология академияси (Россия), Витебск давлат ветеринария медицинаси академияси (Белоруссия), Ветеринария илмий тадқиқот институти (Қозоғистон), Ветеринария илмий тадқиқот институти (Ўзбекистон) ва Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Эчкилар гельминтозларининг эпизоотологик, морфобиокимёвий ва иммунобиологик ўзгаришларини аниқлашга оид дунёда олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор илмий натижалар олинган: жумладан эчкиларда кечадиган турли гельминтоз касалликларга аниқ ташхис қўйиш ва уларни даволашда энг муҳим морфобиокимёвий ва иммунологик жараёнлар Ганновер

³ Academic journalis <http://www.veterinaru.@actavis.ru>. Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal <https://saarj.com>.

университетининг ветеринария медицинаси факультети (Германия), Ветеринария ва фармацевтика фанлари университети (Чехия), Медицина микробиологияси лабораторияси (Голландия), К.И.Скрябин номидаги Москва ветеринария медицинаси ва биотехнология академияси (Россия) олимлари томонидан кенг тадқиқ қилинганлиги ва тадқиқотларнинг натижалари асосида такомиллаштирилган услуб ва воситаларнинг яратилганлигига қарамасдан эчкилар гельминтозларининг олдини олишнинг тўлиқ бартараф этилмаганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Бугунги кунда дунёда эчкиларнинг гельминтозларига қарши курашиш, эчкиларда учрайдиган турли паразитар касалликларнинг олдини олиш, махсус ҳамда умумий даволаш усуллари кўллаш; турли беогеоценозларда эчкиларда учрайдиган гельминтозларнинг биоэкологик хусусиятлари, инвазияларининг эпизоотологияси, зарарланган ҳайвон организмида юз берадиган иммунобиологик, гельминтологик ва биокимёвий ўзгаришларни аниқлаш борасида устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизнинг турли хил жуғрофий иқлим шароитларида йирик ва майда шохли ҳайвонлар гельминтозларининг эпизоотологияси, кўзғатувчиларининг тур таркиби, паразитар касалликларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш бўйича И.Х.Иргашев, Д.А.Азимов, С.Дадаев, Ю.М.Зимин, С.Қурбанов, Н.М.Матчанов, Б.С.Салимов, А.О.Орипов, Э.Б.Шакарбаев, А.С.Даминов, Ш.А.Джаббаров, Н.Э.Юлдашев ва бошқалар томонидан эътиборга молик илмий натижаларга эришилган.

Шунингдек, МДХ ҳамда узоқ хорижий мамлакатларда гельминтозларнинг ҳудудлар гидрогеологик шароити ва фаунасига боғлиқлиги А.Б.Зубов, М.Ш.Акбаев, Р.Е.Сафиуллин, А.И.Ятусевич, Н.П.Сорокина, Э.И.Рехвиашвили, хорижлик олимлардан J.K.Kadhim, A.Cjlberg, D.Nugara, R.D.Katuar ва H.N.Sharmalar томонидан муҳим илмий амалий аҳамиятга эга бўлган тадқиқотлар олиб борилган. Ўрганилган манбалар таҳлили Республикамиз олимлари, шунингдек, МДХ ҳамда узоқ хорижий олимларнинг тадқиқотларида эчкилар гельминтозларига бағишланган илмий ишлар жуда ҳам кам ўрганилганлигини кўрсатди. Шу нуқтаи назардан ҳам эчкиларнинг паразитар касалликларига ўз вақтида ташхис қўйиш, уларни даволаш, олдини олиш ва қарши курашишда замонавий самарали тадқиқотларни олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг ҚХА-9-011-2015 «Ўзбекистон шароитида йирик ва майда шохли ҳайвонларнинг ичак цестодозларини диагностика қилиш, даволаш ва уларга қарши кураш усуллари такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) мавзуидаги амалий лойиҳа ҳамда Самарқанд вилоятининг Нуробод ва Қўшработ туманлари эчкичилик хўжаликлари билан тузилган (2016-2020 йй.) шартномалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг турли биогеоценозларида эчкилар гельминтозларининг эпизоотологияси, кўзгатувчиларининг гельминтофаунаси, тур таркиби, морфофункционал ҳамда биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, даволаш ҳамда олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистоннинг турли биогеоценозларида эчкилар гельминтозлари кўзгатувчиларининг гельминтофаунаси, эпизоотологик ҳолати ва биоэкологик хусусиятларини аниқлаш;

Самарқанд вилоятининг тоғолди-тоғ биоценозларида эчки гельминтозлари кўзгатувчиларининг тур таркиби ва улар билан эчкиларнинг зарарланганлик даражасини аниқлаш;

Самарқанд вилоятининг суғориладиган биоценозларида эчки гельминтозлари кўзгатувчиларининг тур таркиби ва улар билан эчкиларнинг зарарланганлик даражасини аниқлаш;

Қашқадарё вилоятининг тоғолди-тоғ биоценозларида эчки гельминтозлари кўзгатувчиларининг тур таркиби ва улар билан эчкиларнинг зарарланганлик даражасини аниқлаш;

Наманган вилоятининг тоғолди-тоғ биоценозларида эчки гельминтозлари кўзгатувчиларининг тур таркиби ва улар билан эчкиларнинг зарарланганлик даражасини аниқлаш;

Эчкиларнинг ичак цестодозлари кўзгатувчиларининг биологик, морфо-физиологик ва айрим фаунистик хусусиятларини аниқлаш;

Эчкилар трематодозларининг клиник, гемоморфологик, гемобиокимёвий, иммунобиологик ва патологоанатомик ўзгаришларни аниқлаш;

Ўзбекистоннинг турли биогеоценозларидаги эчкилар гельминтозларини даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотларнинг объекти сифатида республикамизнинг Самарқанд, Қашқадарё ва Наманган вилоятларидаги қоракўлчиликка ихтисосланган масъулияти чекланган жамиятлар, эчкичиликка мослашган фермер хўжаликлари ва аҳоли хонадонларидаги шахсий эчкилар, турли хил гельминтлар, тухум ва личинкалар, эчкилар гельминтозларига қарши ишлатиладиган замонавий антгельминтик препаратлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети. Эчкилар гельминтозларининг эпизоотологияси, кўзгатувчиларининг тур таркиби, тарқалиши, биоэкологияси, турли биоценозларда эчкиларнинг трематодозлар, цестодозлар ва стронгилятозлар билан зарарланиш даражаси, зарарланган эчкилар организмда кечадиган клиник, гемаморфологик, гемобиокимёвий, иммунологик ва патологоанатомик ўзгаришлар, эчкилар гельминтозларини даволаш ва олдини олиш усуллари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда гельминтологик, биоэкологик, эпизоотологик, клиник, гематологик, биокимёвий, иммунологик, патологоанатомик, вариацион ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилояти биоценозларида эчкилар гельминтозлари кўзгатувчиларининг жами 26 тури аниқланиб, шундан 4 тури трематодлар, 8

тури цестодлар ва 14 тури нематодларга тегишли эканлиги аниқланган;

Қашқадарё вилоятининг тоғолди-тоғ биоценозларида эчкилар гельминтозлари кўзғатувчиларининг жами 23 тури аниқланиб, шундан 1 тури трематодалар, 4 тури цестодлар ва 18 тури нематодаларга тегишли эканлиги аниқланган;

Наманган вилоятининг тоғолди-тоғ биоценозларида эчкилар гельминтозлари кўзғатувчиларининг жами 34 тури аниқланиб, шундан 3 тури трематодалар, 6 тури цестодлар ва 25 тури нематодаларга тегишли эканлиги аниқланган;

эчкилар трематодозлари пайтида кузатиладиган асосий клиник, гемоморфологик, гемобиокимёвий, иммунобиологик ва патологоанатомик ўзгаришлар илмий асосланган;

эчкилар гельминтозларини даволашда (10% ли албендозол, Ивер-праз, Албен-праз ва Монезол) замонавий антгельминтик препаратларини комбинацияли қўллаш орқали даволаш усуллари такомиллаштирилган;

эчкилар цестодозларининг олдини олишда анъанавий антгельминтик-минералли-тузли яламани, эчкилар нематодозларининг олдини олишда эса албендозолли антгельминтик-минералли-тузли яламани қўллаш бўйича профилактик тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг тоғолди-тоғ ва суғориладиган биоценозларида эчкиларнинг цестодлар, трематодалар ва нематодалар (стронгилятлар) томонидан чақириладиган гельминтозлари кўзғатувчиларининг тур таркиби аниқланган;

Самарқанд вилоятининг тоғолди-тоғ ва суғориладиган, Қашқадарё ва Наманган вилоятларининг тоғолди-тоғ ҳудудларида цестодозлардан мониезиоз, тизаниезиоз, авителлиноз, трематодозлардан фасциолёз, нематодозлардан стронгилятоз касалликларининг хавfli ўчоқлари мавжудлиги тадқиқотларда исботланган;

эчкилар гельминтозларининг бошқа ҳайвонлар гельминтозларидан фарқ қилувчи томонларининг, хусусан, эчкиларнинг ичак цестодозлари орасида мониезиоз ва авителлиноз касалликлари кўзғатувчиларининг бошқа ҳайвонларнинг ичак цестодозлари кўзғатувчиларидан морфологик жиҳатдан (тананинг узун ва қисқа, йўғон ва ингичка бўлиши, ундаги бўғинлар шаклининг энига ва бўйига ўзгариб бориши, бош қисмининг ҳажми ва бошқалар) ва ривожланиши бўйича (тез етилувчанлиги, сўнгги бўғинларида уч, тўрт, беш ва олти қиррали тухумларнинг етилиши) фарқ қилишининг аниқланиши эчкилар гельминтозлари ва шу жумладан, цестодозларига аниқ лаборатор ташхис қўйиш усуллари ишлаб чиқилган;

эчкиларнинг гельминтозларига қарши даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларининг ишлаб чиқилиши ва тадбиқ этилиши тажриба ўтказилган эчкичилик фермер хўжаликларида эчкиларнинг цестодоз, трематодоз ва нематодозларидан мониезиоз, тизаниезиоз, авителлиноз ва стронгилятозларни, биринчи навбатда, аноплоцефалютозларни тўлиқ даволаш ҳамда олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, гельминтологик, морфологик, биокимёвий, гематологик, иммунологик ва патологоанатомик услублардан фойдаланганлиги ва бошланғич маълумотларга статистик ишлов бериш, шунингдек олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг далалотномаларга асосланганлиги, олинган натижаларнинг мутахассислар томонидан юқори баҳоланганлиги ва натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикамизнинг тоғолди-тоғ ва суғориладиган биогеоценозларида эчкилар гельминтозлари гельминтофаунаси ва гельминтлари, улар чақирадиган касалликларнинг эпизоотологияси, кўзгатувчиларнинг биоэкологик хусусиятлари, инвазиянинг моно ва ассосиатив шакллари учраши ва бу ҳолатларда зарарланган ҳайвон ва кўзгатувчилар ўртасидаги паразит-хўжайин муносабатлари, моно ва полиинвазия ҳолидаги касалликларда эчкилар организмда ривожланадиган патологик ўзгаришлар, шунингдек, хўжайин организмда юз берадиган клиник, гематологик, биокимёвий, иммунобиологик ва патологоанатомик ўзгаришлар вужудга келишининг ҳамда эчки гельминтозлари пайтида турли антгельминтикларнинг фармакологик таъсирларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республиканинг турли биогеоценозларида учрайдиган эчкилар гельминтозларига қарши даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари мажмуи бўйича тавсиянома ишлаб чиқилганлиги ва ушбу тавсияноманинг республиканинг Самарқанд, Навоий, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг қорақўлчиликка ихтисосланган маъсулияти чекланган жамиятлари ва эчкичиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида жорий этилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон шароитида эчкилар гельминтлари ва гельминтозлари бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Майда шохли ҳайвонлар мониезиозининг диагностикаси ва унга қарши кураш чоралари» ва «Эчкилар гельминтозларини даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари» бўйича тавсияномалар тасдиқланган ва ветеринария амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 12 сентябрдаги №02/23-397-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияномаларни қўллаш эвазига эчкиларнинг ҳар хил гельминтозларини даволаш ва олдини олиш орқали уларга ўз вақтида қарши курашиш имконияти яратилган;

Эчкиларнинг ичак цестодозларини даволаш ва олдини олишда Монезол, Ивер-праз ва Албен-праз препаратларини эчкиларнинг ҳар 10 кг тирик вазни ҳисобига 1 мл дан оғиз орқали қўллаш усули Нуробод туманидаги «Нурли эл чорвадори» МЧЖ ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда амалиётга жорий этилган

(Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 12 сентябрдаги №02/23-397-сон маълумотномаси). Натижада ичак цестодозлари билан зарарланган эчкиларнинг тўлиқ соғайишига ва эчкиларининг ичак цестодозлари билан зарарланишининг 100% олдини олинишга эришилган;

Самарқанд вилоятининг Нуробод туманига қарашли «Каримов Нажмидин Салимович», «Тепакул чорваси» човачиликлик фермер хўжаликларида 630 бош эчкига 10 фоизли Албендазол антгельминтик препаратини 10 кг тирик вазн ҳисобига 1 мл дан оғиз орқали қўллаш усули амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 12 сентябрдаги №02/23-397-сон маълумотномаси). Ушбу препаратни қўлланилиши натижасида эчкиларнинг трематодозлар ва нематодозлар билан зарарланишининг 90-95% олдини олишга эришилган;

Антгельминтикли минерал тузли яламаларни 3 ой давомида эчкилар гельминтозларини олдини олиш ва қарши курашда қўллаш бўйича гуруҳ усули ишлаб чиқилиб, Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги «Нурли эл чорвадори» масъулияти чекланган жамияти, Қўшработ туманининг «Оқтоғ боғлари» ва «Шамоли чорваси» чорва фермер хўжалиги, Наманган вилояти Поп туманидаги «Турсунов Зайниддин» эчкичилик фермер хўжаликларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 12 сентябрдаги №02/23-397-сон маълумотномаси). Ушбу усулни қўллаш натижасида тоғолд-тоғ ҳамда суғориладиган биоценозларидаги эчкиларнинг гельминтозлар билан зарарланишининг олдини олишга эришилган ҳамда гельминтозларни олдини олишда сарфланган 1 сўм харажатлар қоплами 11,5 сўмни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича жами 12 та, жумладан 4 халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий мақола чоп қилинган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та, шундан 12 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган. Олинган натижалар бўйича 2 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик

даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва ишончлилиги баён қилинган, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон шароитида эчкиларнинг гельминтлари ва гельминтозларига оид илмий адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи боби етти қисмга бўлинган бўлиб, унинг «Эчкилар гельминтофаунаси ҳақида маълумотлар» деб номланган биринчи қисмида Россия, Украина, Кавказ орти, Қозоғистон, Тожикистон ҳудудлари, шу жумладан, Ўзбекистон шароитларида эчкилар орасида тарқалган асосий гельминтозлар ва уларнинг кўзгатувчиларининг тур таркиби, тарқалиш даражаси бўйича олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот натижаларининг қисқача таҳлили келтирилган.

Ушбу бобнинг иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида эчкилар трематодозлари, аноплоцефалитозлари, ларвал цестодозлар, овқат ҳазм қилиш тизими нематодозлари, нафас тизими нематодозлари кўзгатувчиларининг дунё миқёсида ва шу жумладан, Ўзбекистон шароитидаги гельминтофаунаси, тур таркиби, эпизоотологик ҳамда биоэкологик хусусиятлари бўйича хорижий ва ватанимиз олимлари ишларининг қисқача таҳлили берилган.

Ушбу бобнинг «Эчки гельминтозларини даволаш ва олдини олиш» деб номланган еттинчи қисмида дунё ҳамда ватанимиз олимларининг нисбатан кўп қўлланиладиган бензимидазол, левамизол, макроциклик лактонлар (МЛ-авермектинлар ва милбемицинлар), клозантел, клозатрем, фенбендазол (панакур, фенкур), фебантел (ринтал), мебендазол (мебенвет), ивермектин 1% (Ивермек), 1% моксидектин (цидектин, сайдектин), 2,5%-ли албендазол суспензияси, Альвет суспензияси, 10%-ли албендазол суспензияси, 20% гранулят (Альвет) ва унинг клозантел натрий (клозалбен) билан комбинацияси каби препаратларни ишлатиш тартибини аниқлашга қаратилган ишларининг натижалари баён қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотлар объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тажрибалар 2008-2022 йиллар давомида Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг «Паразитология ва ветеринария ишларини ташкил этиш» кафедраси ҳузуридаги зоопаразитология лабораторияси, университет виварийси, Самарқанд вилоятининг Ургут, Нуробод, Қўшработ ва Каттақўрғон туманларини ўз ичига олувчи тоғолди-тоғ худудлари, Пастдарғом, Оқдарё ва Пайариқ туманларидан иборат суғориладиган худудлари, шунингдек, Қашқадарё ва Наманган вилоятларининг тоғолди-тоғ худудлари шароитларидаги эчкиларда олиб борилган. Тадқиқот ўтказилаётган вилоятларнинг турли биоценозларида жами

1246 бош эчкининг тўғри ичагидан олинган тезак намуналари 3 хил гельминтокопрологик усул (Фюллеборн, кетма-кет ювиш, Берман-Орлов усуллари) бўйича текшириб борилди, гельминтлар билан спонтан зарарланган ҳамда экспериментал зарарланган эчкилар кузатиш ва бевосита гижжасизлантириш орқали даволаш (эчкилар фасциолёзи ва дикроцелиозини) жараёнларида мунтазам клиник текширишлардан, улардан олинган қон намуналари эса лаборатор текширишлардан ўтказиб турилган. Тажрибалар охирида барча эчкилар патологоанатомик ёриб кўрилган.


Даволаш тажрибаларида Хитойда ишлаб чиқарилган Ивер-праз суспензияси, Испанияда ишлаб чиқарилган 10%-ли албендазол суспензияси, Ўзбиоккомбинат МЧЖ Ўзбекистон-Буюк Британия-Россия қўшма корхонаси (савдо белгиси bivесо) да ишлаб чиқарилган Монезол суспензияси, олдини олиш тажрибаларида эса, анъанавий (70% ош тузи, 29% гилмоя, 1% мис купороси) ҳамда муаллиф иштирокида янгидан яратилган, хусусан, албендазолли (70% ош тузи, 28% гилмоя, 2% албендазол) ва альветли (70% ош тузи, 28% гилмоя, 2% альвет кукуни) «Антгельминтики-минералли-тузли ялама»лар самарадорлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Самарқанд вилояти шароитида эчкилар гельминтофаунаси ва асосий гельминтозларининг эпизоотологик ҳамда биоэкологик хусусиятлари» учинчи бобининг «Самарқанд вилоятининг турли биоценозларида эчкилар гельминтозларининг тарқалиш динамикаси» деб номланган 3.1. бандида Самарқанд вилоятининг тоғолди-тоғ худудида трематодлардан *F.hepatica* билан эчкиларнинг зарарланиш инвазия экстенсивлиги (ИЭ) 2011 йилдаги 33,5% (ИИ-57,7) дан 2015 йилга келиб 29,5% (ИИ-33,3) ни ташкил этганлиги ва бу вақт давомида эчкиларнинг *F.gigantica* билан зарарланиши кузатилмаганлиги, вилоятнинг суғориладиган худудида эчкиларнинг *F.hepatica* билан зарарланиши ушбу давр оралиғида ўртача 44,0% (ИИ-19,0) дан 32,8% (13,5) гача пасайиб, *F.gigantica* билан зарарланиши эса, аксинча, 26,6% (ИИ-15,5) дан 30,3% (16,5) гача ошиб келганлиги қайд этилган (1-расм).


Дикроцелиоз қўзғатувчиси *D.dentriticum* билан эчкиларнинг зарарланиши бу давр оралиғида вилоятининг тоғолди тоғ худудида 27,2% (ИИ-126,0) дан 14,4% (ИИ-108,0) гача камайиши, суғориладиган худудида 22,4% (ИИ-210,5) дан 31,1% (ИИ-184,1) гача ошганлиги (2013 йилда 41,6%, ИИ-290,6 гача кўтарилган) қайд этилган.

Ичак цестодларидан *Moniezia expansa* билан эчкиларнинг зарарланиши вилоятнинг тоғолди-тоғ худудида ўтача 14,0% (ИИ-6) дан 10,5% (ИИ-5) гача камайган бўлса, вилоятнинг суғориладиган худудида бу кўрсаткич 13,6% (ИИ-3) дан 16,7% (ИИ-5) гача ошган. *Moniezia benedeni* билан эчкиларнинг зарарланиши, аксинча, тоғолди-тоғ худудида 12,6% (ИИ-5) дан 15,8% (ИИ-8) гача ошган бўлса, суғориладиган худудда бу кўрсаткич 10,5% (ИИ-2) дан 8,3% (ИИ-2) гача камайган. *Thysaniezia giardi* билан эчкиларнинг зарарланиши вилоятнинг тоғолди-тоғ худудида ўтача 5,6% (ИИ-3) дан 5,2% (ИИ-3) гача камайган бўлса, суғориладиган худудда 7,2% (ИИ-3) дан 8,3% (ИИ-3) гача ошган. *Avitellina centripunctata* билан эчкиларнинг зарарланиши вилоятнинг ҳар

икки худудида ҳам бир текисда пасайиб келган ва ўртача 12,6% (ИИ-3)-7,6% (ИИ-2) ни ташки этган ва нисбатан юқори кўрсаткич вилоятнинг тоғолди-тоғ худудида (12,6-10,5%) қайд этилган (2-расм).



1-расм. Самарқанд вилоятининг турли биоценозларида эчкиларнинг фасциолёз кўзгатувчилари билан зарарланиш даражаси динамикаси



2-расм. Самарқанд вилоятининг турли биоценозларида эчкиларнинг ичак цестодлари билан зарарланганлик даражаси динамикаси

Ларвал цестодозлардан эхинококкоз билан эчкиларнинг зарарланиши вилоятнинг тоғолди-тоғ ҳудудида **қайд этилмади**. Вилоятнинг суғориладиган ҳудудида бу кўрсаткичнинг 2011-2015 йиллар оралиғида ўртача 9,2% дан 11,6% гача мунтазам равишда **ошиб борганлиги** қайд этилди.

Ценуроз билан зарарланиш вилоятнинг тоғолди-тоғ ҳудудидаги эчкиларда ўрганилган давр оралиғида ўртача 6,8% дан 7,7% гача ошган бўлса, вилоятнинг суғориладиган ҳудудида бу касаллик **қайд этилмади**.

Цистицеркоз билан эчкиларнинг зарарланиши ўрганилган давр оралиғида вилоятнинг тоғолди-тоғ ҳудудида ҳам (18,3% дан 14,5%гача), суғориладиган ҳудудида ҳам (30,5% дан 26,0% гача) пасайган бўлсада, зарарланишнинг барча даврларда жуда юқори эканлиги вилоят шароитидаги эчкиларда ушбу цестодоз бўйича эпизоотик ҳолатнинг **этиборга муҳтожлигидан далолат беради** (3-расм).



3-расм. Самарқанд вилоятининг турли биоценозларида эчкиларнинг ларвал цестодозлар билан зарарланиш даражаси динамикаси

Диссертациянинг «Самарқанд вилояти шароитидаги эчкилар гельминтофаунаси» деб номланган 3.2. бандида тадқиқотларда Самарқанд вилояти шароитидаги эчкилар организмида паразитлик қилувчи гельминтлар фаунаси жами 26 тани, шундан трематодлар 4 тани (*Fasciola hepatica* L., 1758; *Fasciola gigantica*, Cobbold, 1855; *Dicrocoelium dentriticum*, Rudolphi, 1819; *Calicophoron calicophorum*, Fiscoeder, 1901), цестодлар 8 тани (*Moniezia expansa*, Rudolphi, 1810, Blanjchard, 1891; *Moniezia benedeni*, Moniez, 1879, Blanjchard, 1891; *Multiceps multiceps*, Leske, 1780, larvae; *Thysaniezia giardi*, Moniez, 1879; *Avitellina centripunctata*, Rivolta, 1874; *Echinococcus granulosus*, Batsch, 1786; *Taenia hydatigena*, Pallas, 1766) ва нематодлар 14 тани ташкил этиши аниқланган.

Вилоят шароитидаги эчкиларда паразитлик қилувчи 14 тур нематоднинг *Chabertia ovina*, Fabricus, 1788; Railliet et Henry, 1909; *Bunostomum sp.*; *Oesophagostomum sp.*; *Trichostrongylus sp.*; *Ostertagia sp.*; *Marshallagia marshalli*, Ransom, 1907; Orloff, 1933; *Haemonchus contortus*, Rudolphi, 1803; Cobbold, 1898; *Nematodirus sp.*; *Dictyocaulus filaria*, Rudolphi, 1809; *Protostrongylus sp.*; *Trichocephalus skrjabini*, Baskakov, 1924; *Trichocephalus ovis*, Abildgaard, 1795; *Muellerius capillaries*, Mueller, 1980; *Cystocaulus ocreatus*, Railliet et Schulz, 1928 лардан иборат эканлиги аниқланган.

Самарқанд вилояти шароитидаги эчкиларда паразитлик қилиши аниқланган 26 тур гельминтоз кўзгатувчилари орасида трематодалардан *F.hepatica*, *D.dendriticum*, цестодлардан *Moniezia expansa*, *Moniezia benedeni*, нематодалардан *Marshallagia marshalli*, *Marshallagia mongolica*, *Ostertagia ostertagia*, *N.oiratianus*, *N.spathiger* ва *Trichocephalus skrjabini* лар кенг тарқалган (доминант) турлар эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Самарқанд вилояти шароитидаги эчкилар асосий гельминтозларининг эпизоотологик хусусиятлари» деб номланган 3.3. бандида Фасциолёз эпизоотологиясида Самарқанд вилояти шароитидаги эчкиларда фасциолёзнинг иккала кўзгатувчиси ҳам, яъни *Fasciola hepatica* L., 1758 ва *Fasciola gigantica*, Cobbold, 1856 нинг паразитлик қилиши ва уларнинг икки хўжайин иштирокида ривожланиши, *F.hepatica* нинг оралиқ хўжайини бирмунча майда сув ҳавзалари (арик, булоқ сувлари) да ҳаёт кечирувчи акам-тукам моллюскалари (*Lumna truncatula*) эканлиги ва унда паразитнинг юқумли личинкаси-адолескарий (цистогония даврида) ҳосил бўлиши, *F.gigantica* нинг оралиқ хўжайини кўллар, чашмалар ва шоли экилган майдонларда ҳаёт кечирувчи *L.auricularia* ва *L.bactriana* каби нисбатан йирик сув моллюскалари эканлиги аниқланган.

F.hepatica билан кучли зарарланган асосан бир ёшгача бўлган эчкиларнинг ўткир фасциолёз оқибатида ўлими март ойида қайд этилиши ва бунга январ-феврал ойларида ҳайвонларнинг фасциола ўчоғида боқилганлиги ва ушбу ўта носоғлом ҳудуддан йиғилган пичан билан озиклантирилганлиги сабаб бўлиши аниқланган.

Патологоанатомик текширишларда эчкилар семизлигининг ўртачадан пастлиги, тери ости ёғ қатламининг жуда юпқалиги, гавдасида инфильтрация ривожланганлиги, қорин бўшлиғида 2-3 л зардоб тўпланганлиги, жигарнинг ҳажмига катталашганлиги, унинг консистенциясининг қотганлиги (цирроз), қийин кесилиши, ошқозон ости безининг шишганлиги ва катталашганлиги, ўт халтанинг ўт суюқлиги билан тўлганлиги, жигар паренхимаси юзасининг нотекислиги, унда бир нечта ярасимон тешикчалар пайдо бўлганлиги, уларнинг айримларида суст ҳаракатланадиган ёш фасциолаларнинг учраши аниқланган.

Дикроцелиоз эпизоотологиясида унинг кўзгатувчиси *Dicrocoelium dendriticum* (Rudolphi, 1819)нинг Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбий қисмида *F.hepatica* сингари учрамадлиги, аммо унинг айниқса суғориладиган текислик ва тоғолди ҳудудларида учраши, унинг биринчи оралиқ хўжайини вазифасини барча ҳудудларда асосан *Xeropicto (Helicella) candacarica* моллюскаси эканлиги, кўшимча оралиқ хўжайинлари бўлиб эса ушбу моллюска

биотопларида кўплаб яшайдиган *Formica* авлодига кирувчи *Formica clara*, *F.subjilasa*, *F.cunicularin* чумолилари ҳисобланиши аниқланган.

Диссертацияда, шунингдек, трихоцефаллэзлар диагностикасида Фюллеборн усулига қараганда кетма-кет ювиш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этилган.

Диссертациянинг «Самарқанд вилоятида шароитидаги эчкилар асосий гельминтозларининг биоэкологик хусусиятлари» деб номланган 3.4. бандида Самарқанд вилояти шароитида эчкилар организмида аниқланган 26 тур гельминтдан 15 турини биогельминтлар, қолган 11 турини геогельминтлар ташкил қилиши, биогельминтларнинг 14 турининг икки хўжайин иштирокида ривожланиши (диксенли тараққиёт типи), фақат *D.dendriticum* нинг уч хўжайинли паразит (триксенли тараққиёт типи) эканлиги, шу жумладан, эчкиларда аниқланган 14 тур нематодалардан 11 турининг геонематодалар, 3 турининг эса биогельминтлар эканлиги, геонематодаларнинг ўз хўжайинлари организмида жинсий йўл билан кўпайиб, ташқи муҳитга (*Dictyocaulus filaria* дан ташқари) ҳайвон тезаги билан бирга оталанган тухум ажратиб чиқариши, ташқи муҳитда эса уларнинг очик, ярим очик, ярим ёпиқ, ёпиқ тараққиёт типлари бўйича ривожланиши асосланган.

Тадқиқотларда диксенли тараққиёт типи билан ривожланадиган гельминтозлар кўзғатувчиларига трематодоз (дикроцелиоздан ташқари), парамфистоматидозлар, имагиналь цестодозлар (мониезиоз, тизаниезиоз, авителлиноз) ва эхинококкоз кўзғатувчилари, триксенли тараққиёт типи билан ривожланадиган гельминтозлар кўзғатувчиларига эчкилар дикроцелиози кўзғатувчилари аниқланган.

Барча цестодлар эндоген-диксенли тараққиёт типи билан ривожланади. Улардан *E.granulosus* ўта хавфли зооантропоген хусусиятга эга, яъни унинг асосий хўжайини ит, бўри ва бошқа гўштхўр ёввойи йиртқичлар, оралик хўжайини барча қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, ёввойи сут эмизувчилар ва одамлар ҳисобланади. Зарарланиш йил давомида ва барча жойда амалга ошади.

Геонематодалар кўзғатувчиларининг биоэкологик хусусиятлари нематодирларнинг ярим ёпиқ тараққиёт, маршалагияларнинг ярим очик тараққиёт ва трихоцефалларнинг ёпиқ тараққиёт типига эга эканлиги, шунга кўра, эчкиларнинг нематодирлар ва маршаллагиялар билан зарарланиши инвазион ҳаракатчан личинкалар орқали (ердан, яъни илдизи билан истемол қилинган ўтлар орқали) содир этилса, трихоцефаллар билан зарарланиш эса ҳаракатсиз ҳолдаги инвазион тухум (личинкали тухум) орқали амалга ошиши маълум бўлди (4, 5 ва 6-расмлар).

Тадқиқотларда нематодирус ва маршаллагия тухумлари ва инвазионли ҳолга келмаган 1 ва 2 босқичли личинкаларининг ташқи муҳит таъсиротига чидамсизлиги, хусусан, уларнинг қуритилган ёки музлатилганда тезда нобуд бўлиши маълум бўлди, бу эса, ўз навбатида, эчкиларни нематодозларга қарши гижжасизлантириш тадбирларини ёз ва қиш мавсумларига мўлжаллаш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади.


Эчкиларнинг қолган барча нематодаларининг геогельминтлар бўлиб, уларнинг личинкалик даври ҳайвон тезагида кечиши, зарур пайтда ундан чиқиб

ерда (тупрокда) ҳаётини давом эттириши ва ҳайвонга юққунга қадар шу шароитда узоқ вақт ҳаётини сақлаб қолиши тадқиқотларда асосланган.



4-расм. *Nematodirus* sp. нинг тухумларида личинканинг ривожланиши

5-расм. *Nematodirus* sp. нинг тухумдан чиққан юқумли личинкаси



6-расм: 1,5 фоизли NaCl ли сувда ривожланишдан орқада қолган ва нобуд бўлган маршаллагия личинкалари (32 кун давомида)

Диссертациянинг «Эчкилар гельминтозлари қўзғатувчиларининг тур таркиби ва эчкиларнинг гельминтлар билан зарарланганлик даражаси» тўртинчи бобининг «Самарқанд вилоятининг тоғолди-тоғ ҳудудларида эчкилар гельминтозлари қўзғатувчиларининг тур таркиби ва эчкиларнинг гельминтлар билан зарарланганлик даражаси» деб номланган 4.1. бандида Самарқанд вилоятининг тоғолди-тоғ шароитидаги эчкилар фасциолёзининг асосий қўзғатувчиси *F.hepatica* ҳисобланиши ва у билан эчкиларнинг зарарланиши ўртача 29,5% ни, *F.gigantica* билан зарарланиш ўртача 4,0%, *D.dendriticum* да 14,4%, *Paramphistomum* sp. да 3,75%, нематодирозда 53,7%, трихоцефалёзда 38,2% ва маршаллагияозда 32,4% ни ташкил этиши, энг юқори кўрсаткич (нематодирозда-62,5%, трихоцефалёзда-70,8% ва маршаллагияозда-50% Ургут туманида қайд этилганлиги, эчкиларнинг *D.filaria* билан зарарланиши 3,4% ни ташкил этади.

Ушбу ҳудудда эчкиларнинг анаплоцефалёзлар билан зарарланиши *M.expansa* да 18%, *M.benedeni* да 18,7%, *Thysaniezia giardi* да 4,9%, *Avitellina centripunctata* да 8,7% ни ташкил этиши қайд этилган (1-жадвал).

Самарқанд вилоятининг тоғолди-тоғ худудларидаги эчкиларнинг анаплацефалязозлар билан зарарланганлик даражаси

| Т/ р | Туманлар номи ва ҳайвон сони | Гельминт бўғинлари топилди | | | | | | | |
|----------------------|---------------------------------|----------------------------|-------------|------------|-------------|------------|------------|-------------------|------------|
| | | M.expansa | | M.benedeni | | Th.giardii | | A.centri-punctata | |
| | | сон | % | сон | % | сон | % | сон | % |
| 1 | Иштихон, 36 бош | 6 | 16,6 | 7 | 19,4 | 2 | 5,5 | 3 | 8,3 |
| 2 | Қўшробод, 28 бош | 4 | 14,2 | 6 | 21,4 | 1 | 3,5 | 2 | 7,1 |
| 3 | Нуробод, 26 бош | 5 | 19,2 | 4 | 15,3 | 1 | 3,8 | 2 | 7,6 |
| 4 | Ургут, 32 бош | 7 | 21,8 | 6 | 18,7 | 2 | 6,2 | 3 | 9,3 |
| Жами: 122 бош | | 22 | 18,0 | 23 | 18,7 | 6 | 4,9 | 10 | 8,7 |

Диссертациянинг «Самарқанд вилоятининг суғориладиган худудларида эчкилар гельминтозлари кўзгатувчиларининг тур таркиби ва эчкиларнинг гельминтлар билан зарарланганлик даражаси» деб номланган 4.2. бандида *F.hepatica* билан 32,6%, *F.gigantica* билан 29,5%, *D.dendriticum* билан 30,6%, *M.expansa* билан 16,3%, *M.benedeni* билан 6,1% *Nematodirus sp.* билан 33,6%, *M.Marshalli* билан 34,6%, *Trichocephalus sp.* билан 31,6%, *D.filaria* билан 4,1%, *Paramphistomum sp.* билан 6,1% ни ташкил этиши қайд этилган (2-жадвал).

Самарқанд вилоятининг суғориладиган худудларида эчкиларнинг гельминтлар билан зарарланиш даражаси (тезақда топилган гельминт тухумлари бўйича), %

| Т/ р | Туманлар | Трематодалар | | | | Цестодалар | | Нематодалар | | | |
|--------------|-------------|-------------------|--------------------|----------------------|---------------------------|------------------|-------------------|------------------------|--------------------|---------------------------|------------------|
| | | <i>F.hepatica</i> | <i>F.gigantica</i> | <i>D.dendriticum</i> | <i>Paramphistomum sp.</i> | <i>M.expansa</i> | <i>M.benedeni</i> | <i>Nematodirus sp.</i> | <i>M.marshalli</i> | <i>Trichocephalus sp.</i> | <i>D.filaria</i> |
| 1 | Оқдарё | 28,5 | 21,4 | 25,0 | 7,1 | 17,8 | 7,1 | 32,1 | 28,5 | 35,7 | - |
| 2 | Пайарик | 33,3 | 29,1 | 37,5 | 8,3 | 16,6 | 4,1 | 29,1 | 37,5 | 33,3 | 4,1 |
| 3 | Пастдарғом | 34,6 | 30,7 | 26,9 | 3,8 | 15,3 | 7,6 | 38,4 | 26,9 | 23,0 | 7,6 |
| 4 | Каттакўрғон | 35,0 | 40,0 | 35,0 | 5,0 | 15,0 | 5,0 | 35,0 | 50,0 | 35,0 | 5,0 |
| Жами: | | 32,6 | 29,5 | 30,6 | 6,1 | 16,3 | 6,1 | 33,6 | 34,6 | 31,6 | 4,1 |

Диссертациянинг «Қашқадарё вилоятининг тоғолди-тоғ ҳудудларида эчкилар гельминтозлари кўзғатувчиларининг тур таркиби ва эчкиларнинг гельминтлар билан зарарланганлик даражаси» деб номланган 4.3. бандида мазкур ҳудудларда эчкилар гельминтофаунасида топилган жами 23 гельминт турининг биттасини трематодлар (*Fasciola hepatica* (L., 1758)), тўрттасини цестодлар (*Moniezia expansa*, Rudolphi, 1810, Blanjchard, 1891; *Moniezia benedeni*, Moniez, 1879, Blanjchard, 1891; *Thysaniezia giardi*, Moniez, 1879; *Avitellina centripunctata*, Rivolta, 1874) ва қолган ўн саккизтасини нематодлар ташкил этиши баён этилган.

Ушбу гельминт турларидан, шунингдек, 9 тасининг кўп учрайдиган турлар ҳисобланиши ва бунда трематодалардан *Fasciola hepatica* (L., 1758) нинг инвазия экстенсивлиги 45% ни, инвазия интенсивлиги 3-21 нусхани, цестодлардан *Moniezia expansa* (Rudolphi, 1810; Blanjchard, 1891) да бу кўрсаткичнинг, мос равишда, 20% ва 2-15 ни, *Moniezia benedeni* (Moniez, 1879; Blanjchard, 1891) да 15% ва 1-12 ни, *Thysaniezia giardi* (Moniez, 1879) да 10% ва 1-10 ни, *Avitellina centripunctata* (Rivolta, 1874) да 15% ва 1-11 ни, нематодлардан *Marshallagia marshalli* (Ransom, 1907; Orloff, 1933) да 40% ва 3-20 ни, *Nematodirus spathiger* (Railliet, 1896; Railliet et Henry, 1909) да 50% ва 4-22 ни, *Dictyocaulus filaria* (Rudolphi, 1809) да 10% ва 1-11 ни, *Trichocephalus skrjabini* (Baskakov, 1924) да 60% ва 4-55 ни ташкил этиши аниқланган (3-жадвал).

3-жадвал

**Қашқадарё вилоятининг тоғолди-тоғ ҳудудларида эчкиларнинг
гельминтоз кўзғатувчилари билан зарарланганлик даражаси (п-20)**

| Гельминт синфи | Т/р | Гельминтнинг тури | Касалланган хайвон сони | ИЭ | ИИ |
|----------------|-----|--|-------------------------|------|------|
